

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.

ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашиёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир:

Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар:

Шералиева Ж.

Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: www.fdu.uz

Босишига руҳсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фаргона,
2021.

М.Ражабова

Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши 74

Н.Шарафиддинова

Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети 79
ТИЛШУНОСЛИК

М.Абдуллаттоев

Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура 87

М.Турдибеков

Конибодом тумани макро ва микро топонимлари 92

М.Усманова

“Кўхна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари 96

М.Иброхимова, Т.Алимов

Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик соғлигини сақлаш 99

М.Мадаминова

Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши 104

С.Ҳабибуллаева

Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик-семантик хусусияти 111

А.Уралов

Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция 115

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Р.Сафарова**

Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари 120

Э.Мирзажонова

Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида 124

М.Туйчиева

Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари 129

ИЛМИЙ АХБОРОТ**М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов**

Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришлашнинг жадал технологияси 134

Р.Пирназаров

Қурбонқўл қулама тўғонининг фильтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш 137

Б.Холматова

Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи 140

Н.Собиров, С.Исройлова

Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари 144

М.Болтабоев

Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи 147

Д.Абдуллаев

Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти 150

Н.Исройлов

“Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хурсоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши 154

А.Мусаев

XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш 159

С.Ҳамрақулов

“Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши 163

МУЗЕЙ ЖАМЛАНМАСИДА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ НАГРАД В КОЛЛЕКЦИИ МУЗЕЕВ

THE ROLE AND IMPORTANCE OF STATE AWARDS IN THE COLLECTION OF MUSEUMS

Абдуллаев Диёржон Нодиржон ўғли¹

Абдуллаев Диёржон Нодиржон ўғли

— Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети докторанти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация

Мақолада тарих фани маркибига кирувчи фалеристика ёрдамчи тарих фанининг музей соҳасидаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек, фалеристика объектлари ва предметларининг илмий таснифи ва тавсифи, уларнинг музейга келиб жойлашиши ва ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Тадқиқотда музей предметлари маркибига киритилган фалеристик объектларни давлат рўйхатига олиш тартиби ўрганилган.

Аннотация

В статье раскрывается роль и значение вспомогательной исторической науки фалеристики в музейной сфере, а также научная классификация и описание объектов и предметов фалеристики, их место возникновения и специфические особенности в музее. В ходе исследования был рассмотрен порядок государственной регистрации фалеристических предметов, входящих в музейную тематику.

Annotation

This article describes the role and importance of the auxiliary history science of faleristics in the museum sphere, as well as the scientific classification and description of objects and subjects of faleristics, their place of origin and specific features in the museum. The study examined the order of state registration of faleristic objects included in the museum subjects.

Таянч сўз ва иборалар: фалеристика, давлат мукофотлари, музейлар, Тошкент музейлари, музей фонdlари, ёрдамчи тарих фанлари, коллекциялар, орден, медал, фалера.

Ключевые слова и выражения: фалеристика, государственные награды, музеи, Ташкентские музеи, музейные фонды, вспомогательные исторические науки, коллекции, орден, медаль, фалера.

Key words and expressions: faleristics, state awards, museums, Tashkent museums, museum funds, auxiliary historical sciences, collections, order, medal, falera.

1917 йилдан кейин Ўзбекистон ҳудудларида турли ихтисосликдаги экспозиция ва экспонатларга эга бўлган музейлар ташкил этила бошланган. Масалан, 20 - 40 - йилларда Бадиий музей (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат музейи), Эски шаҳар музейи, Ўзбек Эски шаҳар музейи, Ўрта Осиё музейи, Политехника музейи, Амалий санъат музейи, 2-жаҳон уруши йилларида Марказий тарих музейи, Ўзбекистон санъат музейи, Адабиёт музейи, Табиат музейи, уруш йилларидан кейин Давлат санъат музейи, Ўзбекистон кино санъати музейи, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари тарихи музейи, Антиқа ва заргарлик буюмлари музейлари очилиб, фаолият олиб борган. 60-80 йилларда эса X.Абдуллаев, М.Ашрафий, С.Бородин, Ойбек, Гафур Гулом, Ў.Тансиқбоев, Абдулла Қаҳҳор уй-музейлари ва Ю.Фучик, С.Есенин музейлари, Тамараҳоним лиbosлари доимий кўргазма уйлари ва шу сингари турли хил музейларга асос солинган [10, Б.365].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон музейлари фаолиятида туб ўзгаришлар юзага келди. Янгидан янги йўналишлар очилиб, шу тариқа бугунги кунда музейларнинг сони ортиб бормоқда ва бу соҳанинг ривожланиши ҳам жадал суратлар билан ўсмоқда. Бугунги кунда Республикадаги йирик давлат музейлари сифатида Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон амалий санъат музейи, Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари марказий музейи, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Ўзбек лиbosлари галереяси ва бошқалар маълум ва машҳур.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2008 йил 12 сентябрда «Музейлар тўғрисида»ги қонун қабул қилингач [8], қонун асосида «Миллий музей фонди», «Миллий музей фондининг давлат каталоги», «Музей», «Музей ашёси», «Музей коллекцияси», «Сақлаш», «Эълон қилиш» каби тушунчалари мазмун-моҳиятини тўлиқ англаш, уларнинг таркибини тұлақонли ўзлаштириш ва улар

асосида Республикада музейлар фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ишларига катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Бу борада музей таркибиға киравчи барча йўналиш ва тармоқларни янгилаш, замонавий технология ва йўриқномалар билан таъминлаш ишлари долзарб вазифалардан бири саналади. Биргина, ихтиёрий музей предметларини ўрганишда қатор омилларни ҳисобга олиш керак: уларнинг аҳамиятилиги, умумий маълумлиги, ҳодисанинг ўрганилганлик даражаси, ҳодисалар, ўрганилаётган предметга тааллуқли бўлган аниқ шахсни; предметнинг муҳит билан алоқадорлиги хусусияти ва уни қайта тузиш имконияти; манба тури; илмий ва маълумотнома адабиётининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги каби масалалар янги тадқиқотларни талаб қилмоқда. Чунки музей предметларини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар рўйхатга олиш хужжатларида ва музей фондларининг илмий-маълумотнома аппаратида қайд этилади.

Музей фондларининг илмий-маълумотнома аппаратини бойитища ёрдамчи тарих айниқса, музейшунослик фанига яқин кўмак берувчи фанлар (сфрагистика, геральдика, нумизматика, фалеристика, топономика)нинг ўрни бекиёс. Уларнинг ҳар бири музей жамланмаси таркибий қисми сифатида Музей объектларининг ўрнини тўлдириб боради.

Ана шундай таркибий қисм сифатида саналувчи ёрдамчи тарих фани фалеристика (орденлар, медаллар, нишонлар, белгиларни ўрганувчи тармоқ) ҳисобланади. Улар тарихий, бадиий, ўлкашунослик, ёдгорлик мажмуаларини акс эттирувчи музейларда ўз аксини топган.

Дастлаб фалеристика «фалера» (Қадимги Римда легионерлар кўкрагидаги нишон) сўзидан келиб чиқсан. XX асрнинг 30 - йилларидан мукофотлар тўғрисидаги фан сифатида киритиш ғояси пайдо бўлган. В.Г.Бурков томонидан фалеристикани янги қўшимча тарихий фан сифатида мустақил ривожланиши ва уни нумизматикадан ажратиш зарурати тўғрисидаги масала илк бор қўйилган. Бу борада фалеристика соҳасидаги орден ва медалларнинг яратилиш тарихига доир фикрлар И.В.Всеволодов[2], Р.В.Шейн[12], А.И.Корсак[5], В.Г.Колбин[11], Э.П.Михеев [7] каби олимларнинг тадқиқотлари, асарларида келтириб ўтилган.

Кейинчалик фалеристика мукофот белгилари ва улар билан боғлиқ бўлган барча объектлар бўйича мукофотлаш ишининг

шаклланиши ва ривожланиши тарихини ўрганувчи ёрдамчи тарихий фан сифатида эътироф этилган[1, Б.16-32]. Шу билан бирга, бугунги кунда фалеристика аслида нимани ифодалаши тўғрисидаги масала бўйича фикрларнинг тарқоқлиги, унинг методлари ва принципларининг якуний шаклланиши, шунингдек, уни ўрганиш предметларининг маданий-тарихий ва илмий аҳамиятини аниқлаш бўйича турли хил қарашлар мавжуд. Масалан, айрим тадқиқотчилар «фалеристика» туридаги объектларни рағбатлантириш предмети, тасвирий ҳамда декоратив-амалий санъат асари сифатида хизмат қилиши, кийим, қурол элементи ҳисобланиши, бошқа манбалар таркибиға кириши мумкинлигини таъкидлайдилар.

Совет даврида музей ишларида объектларни ўрганишда тизимлаштирилган ёндашувда яратилган маълумотнома (справочник), йўриқномалар ва алоҳида тадқиқотлардан ҳанузгача музей амалиётида кенг фойдаланилиб келинади. Шубҳасиз, сўнгги йилларда тузилган алоҳида музей предметларининг типологик гурухларининг тавсифи ва атамалари бўйича маълумотнома (справочник) ва методик тавсиялар музей жамланмаларини тизимли ўрганиш имконини беради.

Бугунги кунда Республикамизда тарихий, бадиий, ўлкашунослик, ёдгорлик мажмуаларига бағишлиланган музейлар ўзининг қадимиyllиги ва экспонатларга бойлиги билан ажralиб туради. Ушбу музейларда бошқа тарихий мерослар қаторида Россия империяси, собиқ Иттифоқ, Ўзбекистон Республикаси орден, медал, кўкрак нишонлари ҳамда хорижий мамлакатларнинг фалеристик ашёлари сақланади. Улар музейлар фондида кўп йиллар давомида жамланган. Совет даври мукофотлари асосан БХСР, ХХСР республикалари орденлари, иккинчи жаҳон уруши йилларида қаҳрамонларга берилган орден ва медаллар, Ўзбекистоннинг советлар давридаги хукумат мукофотларини олганлар ва уларнинг қариндошларидан йигилган.

Музей фондларида фалеристик объектларининг жамланмасини шакллантиришда бир қатор вазифаларни бажариш белгиланган. Улар қуидагилардан иборат:

- коллекцияларни ёки алоҳида предметларни сотиб олиш;
- ташкилотлар ёки алоҳида шахслар томонидан музей ихтиёрига коллекциялар ёки предметларни бегараз тақдим (ҳадя) этиш;
- ўзига хос ишларни бажаришга мақсадли буюртмаларни бериш[3].

Музейга қабул қилинадиган фалеристик предметларни давлат рўйхатига олиш бир неча босқичларни ўз ичига олади. Улар вақтинча сақлаш учун вақтинчалик тушумлар китобида рўйхатга олинади, музей тушумлари китобида рўйхатга олинмайди. Шунингдек, предметнинг физик хусусиятларини (барча материаллар, барча қўлланиладиган техникалар, ўлчами, сақланганлиги), шунингдек, тарихий-маданий қиммати ва атрибут маълумотлари (муаллиф, тузилган вақти ва ҳ.к.) очиб берувчи эксперт хуносаси тайёрланади. Эксперт кўпгина маълумотларни аниқлаштириши, тадқиқот натижасида сана, ном ва предметнинг бошқа хусусиятлари тўғрисидаги хуносаларга келиши мумкин. Юқорида кўрсатилган тизим музейга келиб тушадиган барча предметлар билан ишлаш учун қўлланилади. Аммо фалеристика предметлари билан ишлашда қимматбаҳо металлар ва тошлардан ҳамда давлат мукофотлари – орден, медал, белги, нишонлар ва бошқаларга қўшимча меъёрий ҳужжатлар талаблари инобатга олинади. Улар билан ишлаш қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Мазкур предметлар рўйхатга олишнинг учинчи босқичига (қабул қилиш ва инвентар китобларидан ташқари) – маҳсус рўйхатга олишга эга бўлиши керак, чунки музей фондига киритилган предметларни сакловчи барча музейлар ҳар йили Молия вазирлиги олдида жамланмада олтин, кумуш, платина, қимматбаҳо тошлар ва бошқаларнинг мавжудлиги тўғрисида ҳисобот берадилар, қимматбаҳо металлар ва тошлардан предметлар фақатгина асосий фонд бўйича инобатга олиниши мумкин, уларни илмий-ёрдамчи фондда қабул қилиш тақиқланган. Шунга кўра, қўриқчилар музей предмети материали нимадан ташкил топганлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишлари керак. Буни аниқлашнинг ягона усули – Синов назорати бўйича давлат инспекциясида (кейинги ўринларда - СНДИ): қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишларни амалга оширувчи барча корхона ва муассасалар рўйхатга олинган ва ҳисобда турган органда текшириш ҳисобланади. Унинг томонидан, шунингдек, шакли ва мулкчилигидан қатъий назар музейлар томонидан амалга ошириладиган предметларни йиғиш, сақлаш ва экспозицияси киритилади. Жамоат музейларида (масалан, мактаб музейи) олтин, кумуш, платина ҳамда қимматбаҳо тошлардан иборат предметларни жамлаш, сақлаш ва экспонацияси тақиқланган.

Фалеристика кўп жиҳатдан “серияли” предметлардан ташкил топади; оммавий ишлаб чиқаришдаги орденлар, медалларни

жамланмага ёки каталоги тавсифлар асосида қабул қилиш ва маҳсус ҳисобга кўйишга рухсат берилган. Совет даврида маълум ва машҳур бўлган “Қизил Юлдуз” ордени оммавий мукофоти бунга мисол бўлиши мумкин: орденнинг кийимга тақиладиган қисми (гайка) кумушдан ишлаб чиқарилган, кейинчалик кумушдан воз кечилган. Сабаби, эгалари кўпинча орденга аввалдан киритилган ўз гайкаларини йўқотиб қўйганлар, кейин эса уларнинг ўрнига оддий металл гайкалар ишлатилган[4].

Яна биргина мисол, “Улуғ Ватан уруши” ғалабасининг 40 йиллигига 1985 йилда яратилган орденлар кумушдан яхлит муҳрланган ҳолда оммавий ишлаб чиқипган ва топширилган, улардан «олтин» деталлар тилла суви юргизилган, I даражанинг илк белгилари эса йиғма бўлган (олтин юлдуз устида қизил эмаль билан қопланган кумуш юлдузли), орденнинг II даражаси – кумушдан ясалган белги, аммо иккала даражалар белгиларининг марказида “болға ва ўроқ” олтин плитаси (офирилиги 0,5 г) мустаҳкамланган. Кўпинча эгалар томонидан мазкур кичик плиталарга зарар етказилган, қисмлари узилиб кетган ёки бутун композиция йўқотилган. Белгининг гўзаллигини бузиши истамай, унинг айрим эгалар ясама “болға ва ўроқ”ни буюртма қилганлар, кимда имкони бўлса олтиндан буюрганлар. Кўпчилик “болға ва ўроқ”ни мисдан тайёрлатишга ҳаракат қилган[9, Б.83].

Музейларда дастлаб ёстиқласисиз фақат орден нишонини (ёки медални) текшириш амалиёти тарқалган. Белгининг ўзи предмет ҳисобланганлиги, ёстиқчаси эса иккиласми сифатида қабул қилинганлиги асосий муаммо ҳисобланиб келинган[6, Б.56-67]. Ҳозирги вақтда музейлар бундай муносабатдан воз кечиб, мукофотни ёстиқчаси билан музей предмети сифатида қабул қиладилар. Шунингдек, қимматбаҳо тош ва металлардан тайёрланган музей предметлари маҳсус хоналарда ёки алоҳида омборларда сақланишига шароит яратилади. Бундай шароитлар бўлмаганида улар фонд сақлаш хоналарида мұхрланадиган маҳсус сейфларда сақланади.

Фалеристика предметларининг катта қисмини орденлар ва медаллар ташкил этганлиги сабабли давлат мукофотларини қабул қилиш қоидаларини ўрганиш мұхим ҳисобланади. Давлат мукофотлари муайян шахсларнинг мамлакат олдидаги хизматларини тан олиш шакларидан бири ҳисобланади. Давлат мукофотини топшириш тўғрисидаги қарор ўтган аср мобайнида совет давлатида Олий кенгашининг президиуми,

совет республикалари ҳукумати томонидан қабул қилинган, бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг давлат раҳбари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан таъсис этилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдирланади) томонидан қабул қилинади.

Давлат мукофотлари ва унинг объектларини сақлаш вазифаси мукофотланган шахсларга топширилади. Ўлимидан сўнг тақдирланганида улар меросхўрларига тақдим этилади. Мукофотланганлар ва (ёки) меросхўрлар уларни доимий сақлаш ва экспозицияси учун давлат ёки маҳаллий музейларга топширишлари мумкин. Аммо мукофотлар давлат мулки бўлиб қолади, шу сабабли музейлар уларни доимий сақлашга қабул

қилиш учун мукофот берилган ташкилот комиссиясининг рухсатини олишлари зарур. Бунинг учун мос мурожаат тузилади ва хужжатлар тўплами илова қилинади.

Шундай қилиб, мазкур мақолада фалеристика коллекциясини шакллантириш, унинг илмий тавсифи ва музей таркибида сақлашга йўналтирилган музейнинг илмий-фонд фаолиятининг асосий жиҳатларига қисқача тўхталиб ўтилди. Фалеристика предметларини, жумладан давлат мукофотларини тавсифлашдаги муаммолар уларни батафсил ўрганишнинг қисқа муддатлилиги ва деталлардаги хилма-хиллик, мукофотларнинг зархоналардаги адади, ишлаб чиқариш муддатлари тўғрисидаги тўлиқ ва ишончли маълумотларнинг йўқлиги ва бошқалар билан боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Бурков В.Г. Фалеристика: учеб. пособие. – М., 1999.
2. Всеволодов И.В. Беседы о фалеристике. Из истории наградных систем – М.: Наука, 1990.
3. Инструкция «О порядке приема в музеи страны для экспонирования и хранения орденов и медалей СССР», утвержденная Приказом Министерства культуры СССР от 31 октября 1977 г.
4. Инструкция по учету и хранению музейных ценностей из драгоценных металлов и драгоценных камней, находящихся в государственных музеях СССР, утвержденная Приказом Министерства культуры СССР № 513 от 15 декабря 1987 года. П. 39.
5. Корсак А.И. Вспомогательные исторические дисциплины: учебно методический комплекс. – Новополоцк, 2010.
6. Круглова М.А., Трубилко В.И. 2019. Фалеристика как часть музейного собрания. Вопросы музеологии, 10 (1).
7. Михеев Э.П. Опыт Европейских стран в создании наградных знаков и предпосылки возникновения искусства российского ордена // Журнал Декоративное искусство и предметно-пространственная среда. вестник МГХПА. – М., 2019.
8. «Музейлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни //<https://lex.uz/docs/1391728?query=%D0%9C%D1%83%D0%B7%D0%B5%D0%B9> (Мурожат санаси 23.02.2020)
9. Руднева И.В., Образцова М.В. Основы экспертизы предметы искусства и культуры. Вып. Россия и Западная Европа. – Санкт-Петербург: Европейский дом, 2008.
10. Тошкент. Энциклопедия. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2009.
11. Фалеристика как вспомогательная историческая дисциплина / В.Г. Колбин, - Донецк, 2019.
12. Шейн Р.В. Фалеристика – сестра нумизматики // Декоративное искусство СССР. – 1965.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)